# Мавзу: Менежмент фанининг предмети, мазмуни ва вазифалари

# Менежментнинг ривожланиш тарихи ва ҳозирги ҳолати

**1.Менежментнинг вужудга келиши ва ривожланиши.**

Менежмент назариясини асосчилари *Тейлор, Форд, Гильберт, Эмерсон, Файоль* ва бошкалардир.



- Бошкарув назариясининг тарихан дастлабки йуналиши «классик» (анъанавий) мактаб номини олган.
- Бу мактабнинг вужудга келишида америкалик мухандис ва тадкикотчи ***Фредерик Тейлорнинг*** хизмати катта.



**Фредерик Тейлор**

**Адвокатлар оиласида тугилган.**

Франция, Германия каби давлатларда таълим олди.

Нью-Хэмпширдаги Ф. Экстер номидаги академияда укишни давом эттирган.

1874 йили Гарвард юридик колледжида укиди

1878 йили яни иктисодий тангликнинг энг юкори пайтида Мидвэлдаги металл заводида хар хил ишларни бажарувчи ходин лавозимини эгаллади.

1882 йилдан 1883 йилгача устахонада механик лавозимлварида уз иш фаолиятини олиб борди. Шу билан биргаликда техник йуналишдаги (инженер-механик) маълумотига (1883 йили Стивенс номидаги технологик институтда) эга булди.

Тейлор 1884 йили бош мухандис булди, шу йилнинг узида у биринчи бор ишлаб чикариш учун дифференциал хак тулаш тизимини яратди.

1890-1893 йилларда Тейлор Филаделфиядаги Мануфактура инвестицион компаниясида бош бошкарувчи, шунинг билан Мэне ва Висконсиндаги когоз операциялари эгаси булди.

1906 йили Тейлор Америка инженер-механиклар жамияти президенти булди, 1911 йилда эса илмий менежмент мактабига асос солди.

У 1915-йилнинг 21-мартида Филадельфияда хасталик туфайли вафот этди.

У биринчилар карорида ишлаб чикаришнинг айрим жараёнларини ташкил этиш хамда бутун корхонани бошкаришга илмий ёндошишни куллади.

## Тейлор хизмат погонасининг барча даражаларини АКШдаги Бстлегемдаги йирик металлургия корхонасининг кичик хизматчисидан бошкарувчисигача булган лавозимларни эгаллаган

- У биринчилар карорида ишлаб чикаришнинг айрим жараёнларини ташкил этиш хамда бутун корхонани бошкаришга илмий ёндошишни куллади.
- Унинг
  - **«Корхонани илмий бошкариш асослари»**
  - **«Бошкаришни илмий ташкил этишнинг тамойил ва усуллари»**
  - **«Саноат корхоналарини маъмурий-техникавий ташкил этиш»** каби машхур асарлари хорижда чоп этилган ишлаб чикаришни бошкаришни илмий ташкил этиш буйича адабиётларнинг катта тупламига асос солди.

# Тейлор мехнат жараёнларини махсус функционал бошкариш зарурлигини асослаб берди.



- Жисмоний  мехнат билан бир каторда ишлаб чикаришни ташкил этишни;
- таркибий унсурларга ажратиб курсатишга харакат килган томонидан ишланган схемада *улда-жулда, пала-партиш ишлаш мумкин эмаслиги*;



- хар бир нарса олдиндан уйланган, ишнинг барча шартлари ва усуллари олдида аник, белгиланган булиши акс эттирилган.

Тейлор киши акл-заковатига катта эътибор берган. Масалан, у корхона устаси куйидаги туккиз сифатга эга булиши кераклигини таъкидлаган:



# Анри Файолъ (фр. Henri Fayol, 29.07.1841 — 19.11.1925)

француз тог мухандиси, менеджментнинг назариётчиси ва амалиётчиси, бошкарувнинг классик мактаб асосчиларидан бири.

1841 Туркиянинг Истамбул шахрида тугилган.

1860 йили Сент-Этьенадаги тог-кон мактабини тугатган

Compagnie de Commentry-Fourchambeau-Decazeville номли кончилик компаниясига ишга кирди.

Айнан шу компанияда 1888-1918 йиллар давомида рахбарлик лавозимида ишлади.



У бошкарув вазифалари макбуллаштириш - олдиндан кура олиш, ташкил этиш, буюриш, келишув, назорат килишга тенглаштирган.

1916 йилда унинг «Умумий  ва саноат бошкаруви»

1924 йилда «Мехнатни илмий ташкил этиш» ва «Ижобий бошкарув» асарлари чоп этилди.

# Гаррингтон Эмерсон

# (1853-1931)

- «Унумдорликнинг ун икки тамойили» асарида у биринчи булиб инсон фаолиятини макбуллаштиришга карашлар тизимини баён килиб берди

# Эмерсоннинг яратган максимал мехнат унумдорлигига эришиш тамойиллари.

- Аник белгиланган гоя ва максадлар;
- Акли расолик;
- Асосли маслахат;
- Катъий интизом;
- Ходимларга нисбатан адолатли муносабат;
- Марказлаштириш;
- Тезкор, ишончли, тулик, аник ва доимий хисоб;
- Меъёр ва тартиб;
- Шароитни нормаллаштириш;
- Операцияларни  меъёрлаш;
- Ёзма стандарт кулланмалар;
- Унумдорлик учун рагбатлантириш

# Гамильтон Черч (1866-1936)

- Саноат корхоналарини ташкил этиш ва бошкариш масалаларини урганган  америкалик иктисодчи.
- Гамильтон Черч (1866-1936) уз диккат эътиборини бошкаришнинг умумий назарий тамойилларига каратди.
- Тайёр конун-коидаларни тавсия килмаган.
- У барча саноат корхоналарини бошкаришнинг умумий назарий тамойилларини белгилаб берди, бошкарувнинг умумий вазифалари билан уни ташкил этиш тамойилларини курсатиб берди.

Ишлаб чикариш корхоналарини бошкаришнинг ташкилий-техникавий тамойилларини яратган.

***Фордизм*** факат бошкарув техникаси ва ташкил этиш ривожланишида эмас, балки мехнат унумдорлиги усишида хам янги боскич булди.

Форд хам Тейлор сингари **кам харажат билан юкори мехнат унумдорлигига эришишни максад килиб куйган** булсада, унга бошка йул билан эришишга харакат килди.

Тейлор инсон мехнатини ташкил этишга алохида эътибор берган булса, ***Форд техника, технология, ишлаб чикаришни такомиллаштиришга эътибор берган.***



Генри Форд

# Давлат ва иктисодиётни бошкариш назариясининг айрим жихатлари шаркнинг иктисодий гоя ривжланишига хисса кушган йирик аллома ва давлат арбоблари

- Фаробий, Ибн Сино (IX-X аср), Хос Хожиб (XI-XII аср), Амир Темур, Ибн Холдун (XIII-XIV аср), Бобур, Алишер Навоий






- Бошкарувнинг «классик» мактаби инсоннинг турли-туман фаолиятини бошкаришга куллаш мумкин булган тамойилларини асослаб беришга харакат килган. У бошкарувни ташкил этишнинг катор тамойилларини урганган. Бу мактаб хакикий илмий бошкарув назарияси даражасига кутарила олмади.
- «Классик» мактабга хос булган инсон омилини хисобга олмаслик, кишилар фаолияти сабабларини соддалаштирилган нуктаи назаридан ёндошиш америка бошкарув назариясида янги йуналиш - «инсон муносабатлари» мактаби вужудга келишигасабаб булди.
- ***Бу йуналишнинг асосчилари*** - америкаликлар Э.Мэйо, Ф. Ротлисбергер, Дж. Лизли ва бошкалардир.

# «Эмперик» (прагматик) мактаб

- менежмент зарурлигини умуман инкор этиб, очик эмперзмни таргибот килади.
- У бошкарувнинг максади - рахбарлик килиш буйича ижобий тажриба ва анк хатоларни урганишдан иборат, деб таъкидлайди.
- Бу мактаб вакиллари камрок назарий маслахатлар бериб, купрок аник вазиятларни тахлил этиш билан шугулланиш керак дейдилар, албатта, тажриба урганиш жуда мухим. Лекин факат амалиётга асосланиб менежментни шакллантириш мумкин эмас
- ***«Эмперик» мактабнинг энг ёркин намоёндалари*** - Т.Дракер, Р.Дэвис, Л.Ньюман, Д.Миллер ва бошкалардир.

# ***«Ижтимоий тизимлар» мактаби***

- Юкорида санаб утган хорижий бошкарув мактабларининг энг асосий камчилиги хар томонлама чукур урганилмаганлигидир
- Бу янги йунилиш ***«Ижтимоий тизимлар» мактаби*** вужудга келишига туртки булди.
- Унинг энг таникли ***намоёндалари*** Д.Марч, Г.Саймон, А.Этциони ва бошкалардир.
- «Ижтимоий тизимлар»мактаби «инсон муносабатлари» мактаби хулосаларига асосланиб, корхонага узаро боглик ва узаро таъсир курсатувчи омиллар мажмуидан иборат комплекс тизим сифатида караб, инсон бу омилларни бири деб хисоблайди. Социологларнинг катта гурухи саноат социологияси сохасида тадкикот олиб борадилар.

# «Инсон муносабатлари» мактаби

- Ушбу мактаб ишлаб чикариш жараёнини адолатли килиш йули билан хал килишни таклиф этган булсалар, «ижтимоий тизимлар» мактаби ташкилотда низаларнинг мавжуд булиши унинг табиатидан келиб чикувчи холат деб хисоблаб асосий вазифа низолар ва уларнинг окибатини юмшатишдан иборат деб таъкидлайдилар.

# «Янги» мактаб

- 50-йилларнинг бошида вужудга келган
- У менежментга аник фанлар услуб ва усуллари - карорлар кабул килишни математик моделлаштириш, математик мантик, давтурлаш, иктисодий жараёнларни математик моделлаштириш усулларини жорий килиш билан ажралиб туради.
- Энг ёркин ***намоёндалари*** - Р.Аккоф, Л.Клейн, В.Люс ва бошкалардир.
- Бу мактабнинг шаклланиши кибернетика ва жараёнларни урганиш ривожланиши билан богликдир. Жараёнларни урганиш захиралар, ресурслар таксимти, эскирган ускуналарни алмштириш, макбул равишда режалаш тиришни бошкаришни математик моделлаштириш билан богликдир.
- «Янги» мактаб - бу «ижтимоий тизимлар» мактабининг мантикий давомидир.

**Бошқарув назария ва амалиётига катта хисса кушган таникли олим - Алексей Капитанович Гастев (1882-1941) эди.**

Унинг «Кандай ишламок керак?», «Мехнат меъёрлаш ва ташкил этиш», «Мехнат кулланмалари», «Маданият кўзголони», «Ишлаб чиқаришни ММИ усуллари билан тартибга солиш» китоблари нашр этилди.

